



Аллоҳ таоло: «**Бас, ўзингиз хуш кўрган аёллардан икки, уч, тўртини никоҳлаб олинг. Агар адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, биттани**», деган (Нисо, 3) оятига ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайи васалламнинг

مَلَسَ وَوَيْعَ لَلِصَّ لَلِوَسَّرَ لَاق: لَاقَ هِنَعِ لَلِضَرِّ لَلِأَمَّ نَبَّ سَنَ أُنَّ عَ  
يِرَاخِبَلِ هَاوَرِ نَمَّ سَيَّ لَفِ تَنُّ سُنَّ عَ بَعَّرَ نَمَّ فِ

*Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Никоҳ менинг суннатимдир, ким менинг суннатимга рағбат қилмаса, мендан эмас», деган** ҳадисларига мувофиқ уйланади ва рафиқасини бир қанча мусулмонларининг иштирокида қабул қилиб олади. Мазкур маънолар пайғамбаримиз соллаллоҳу алайи васалламнинг қуйдаги ҳадисларида ҳам ўз исботини топган .

عَجَّ حَ يَ فِ مَلَسَ وَوَيْعَ لَلِصَّ لَلِوَسَّرَ لَاق: لَاقَ هِنَعِ لَلِضَرِّ رِبَّاجٍ عَ نَ  
مُتَلَلِّحَتْ سَاوِ، لَلِأَمَّ أَبُّ نُهُومُ تَدَحَّ أُمُّ كُنَّ إِفِ، عَاسَّ نَلِ يَ لَلِأُوقَّتَ أَفِ... عَادُولِ  
كَلَّامَ وَ دَوَادُ وَ بَأُ مَلَسُمُ هَاوَرِ... لَلِأَمَّ لَكَبُّ نَجَّ وَرُفِ

*Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам видолашув ҳажида:**

**«Бас, аёллар ҳақида Аллоҳдан қўрқинглар! Чунки, сиз уларни Аллоҳнинг омонати ила олгансизлар. Уларнинг фаржларини Аллоҳнинг калимаси ила ҳалол қилиб олгансизлар» дедилар”.**

*Муслим, Абу Довуд ва Молик ривоят қилишган.*

Демак, аҳли аёлларимиз бизлар учун омонат эканлар омонатга нисбатан қандай муомала ва муносабатда бўлмоқлигимиз ҳаммамизга маълум.

أُمُّ كُنَّ حَتَّ نَأَسَّ نَلِ نَبَّ مَلَسَ كَحَ إِذِوْ هَلَّ هَا لَلِأَمَّ أَلِ اؤُدُّتْ نَأُ مَّ كُرَّمُ أَيَّ لَلِأَمَّ نِ  
أَرِي صَبَّ أَعِي مَسَّ نَأَكَّ لَلِأَمَّ نِ هَبَّ مَّ كُظَّ عِي أَمَّ عَنَ لَلِأَمَّ نِ لَدَّ عَ لَبَّ

**“Албатта, Аллоҳ сизларга омонатларни ўз аҳлига эриштиришни ва агар одамлар орасида ҳукм қилсангиз, адолат ила ҳукм қилишни амр қиладир. Аллоҳ сизларга қандай ҳам яхши ваъз қилур! Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчи зотдир”**(Нисо, 58 оят).



Ҳазрат Али розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқларини бажариш учун Абу Талҳанинг қўлини қайириб, калитни зўрлик билан олди ва Набий соллаллоҳу алайҳи васаллага келтириб берди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамда саҳобалар Каъба ичкарасига кириб, бутлардан тозаладилар. Сўнг икки ракъат шукр намози ўқидилар. Бу пайтда ҳазрат Аббос розияллоҳу анҳу Каъбатуллоҳ калитини ун(калитнинг эгаси Усмон ибн Талҳа)га беришларини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраган эди. Шу вақтда "Омонатни ўз эгаларига топширинг..." (Нисо, 58) ояти каримаси нозил бўлди.

اَوْمُكُحَّتْ نَسَانِلَا نِيَبْ مُمْتَمَكْح اذِو اُولَهْ اَلِلَاتِ اَنَامْ اَلَا اَوْدُوْتْ نَا مُمُكُرْمُ اَيَّ لَلَا ن اِي صَبْ اَعِي مَسَا نَا كَلَلَا ن اَوْبْ مُمُكُظَغِي اَمْعَن لَلَا ن اِلْدَعْلَابْ

**“Албатта, Аллоҳ сизларга омонатларни ўз аҳлига эриштиришни ва агар одамлар орасида ҳукм қилсангиз, адолат ила ҳукм қилишни амр қиладир. Аллоҳ сизларга қандай ҳам яхши ваъз қилур! Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчи зотдир”**(Нисо, 58 оят).

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам дарҳол калитни яна ҳазрат Али розияллоҳу анҳу орқали эски эгаси Усмон ибн Талҳага қайтариб юбордилар. Ҳайрон қолган Талҳа:

“Эй Али, салгина олдин калитни қўлимдан зўрлик билан олган эдинг. Энди эса қайтариб келибсан. Нега?” деб сўради.

Ҳазрат Али розияллоҳу анҳу: “Бу хусусда оят тушди”, деди-да, омонат ҳақидаги оятни тўлиқ ўқиб берди. То шу кунга қадар имон неъматини насиб бўлмаган Усмон ибн Талҳани титроқ босди ва:

“Динингиз омонатга шунчалик аҳамият бергани мени ҳайратга солди”, дея Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб боришини сўради.

Ҳазрат Али розияллоҳу анҳу билан Ҳузур саодатга келдилар. У ерда Усмон ибн Талҳа розияллоҳу анҳу шаҳодат келтириб, мусулмонлик шарафига муяссар бўлди.

Агар баъзи бир сабаблар туфайли ёки омонат эгасининг ким эканлигига қараб уни адо этишлик ёки этмаслик ҳал қилинганида каъбанинг калити мушрик бўлмиш Усмон ибн Талҳага қайтарилмаслиги керак эди. Ва лекин Аллоҳнинг буйруғи мутлоқ бўлганлиги туфайли омонат қўйгувчи ким

бўлишлигидан қатъий назар мушрикми-мунофиқми?, кофирми-осийми? ёки хиёнатчими? бунинг аҳамияти йўқ . Чунки биз мусулмонмиз ва шунга буюрилганмиз қолгани эса Аллоҳга ҳавола. Бу сўзларни бежиз айтаётганимиз йўқ, зотан баъзилар омонат бўлмиш аҳли аёлига нисбатан хиёнат қилишлигида уларни айбдор санайдилар, ўзларини эса хиёнаткор ҳолатларида айбдор санамайдилар. Хулоса эса ҳар бир инсофлик иймонлик инсоннинг ўзига ҳавола.

**“Тўхтабой” жомеъ масжиди**

**имом хатиби: Исақжон домла Бегматов**